Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2015-yil 25-iyun, payshanba, **26 (606)-son** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru,** web sayt: **www.21asr.uz**

## Тараққиётнинг олтин калити

**XXIV**
**КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?**

**Дунёда қанча халқ, қанча миллат бўлса, ҳар бирининг ўзига хос тарихи, урф-одат ва анъаналари бор. Улар асло унутилмайди, билъакс, вақт ўтгани сайин сайқалланиб бораверади. Лекин сиз хулоса чиқаришга шошилманг. Сирасини айтганда, ўз қадр-қимматини биладиган миллат учун мустақилликдан азизроқ ва улуғроқ неъмат бўлмаса керак. Зеро, унинг моҳиятида юрт тақдири, келажак манфаатлари ётади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Ўзбекистоннинг кейинги 24 йил давомида босиб ўтган шонли йўли асрларга татигуликдир. Ким эдигу, ким бўлдик? Буюк мақсад — буюк курашларга чорлайди. Кураш эса ўз номи билан кураш. Бинобарин, истиқлол осонлик билан қўлга киритилди, деб ўйлаш катта хатолик бўлур эди. Чунки бунинг замирида қанчадан-қанча йўқотишлар, минглаб ва миллионлаб ота-боболаримизнинг аччиқ қисмати ётибди**

Эртами-кечми, ижтимоий адолат қуёши порлаши муқаррар эди. Маърифатпарвар алломаларимиздан бири ўз вақтида таъкидлаганидек, «Мустақиллик берилмас, балки олинур». Ўзбекистон худди ана шу йўлни танлади. Халқимиз ўзининг мард ва жасур йўлбошчиси Ислом Каримов раҳнамолигида мустабид тузум исканжасидан халос бўлиб, бутунлай янги даврга қадам қўйди. Бу — салкам бир юз ўттиз йил давом этган мустамлакачилик сиёсатидан кейинги туб бурилиш нуқтаси эди. Миллий қадрият ва анъаналар уйғунлигига асосланган тараққиётнинг машҳур беш тамойили эндиликда барча соҳада чуқур илдиз отиб, ҳаётимизга янги маъно ва мазмун бахш этмоқда. Жаҳон миқёсида «ўзбек модели» сифатида шуҳрат қозонган ушбу ноёб тажриба аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлигини ошириш, мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини қарор топдиришга хизмат қилаётганлиги билан ҳам қимматлидир.

Кейинги йилларда истиқлол ва ислоҳот — эгиз тушунчалар сифатида онгу тафаккуримизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки айнан истиқлол туфайли халқ хўжалигининг барча тармоқларида туб янгиланиш ва ўзгаришлар илдиз ортиб, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан салмоқли натижаларга эришилмоқда. Бу эса «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон манфаатлари учун», деган эзгу тамойил амалда ўз исботини топаётганидан далолат беради. Жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осудалик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик эса ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган энг катта бойлигимиздир. Зеро ўзаро аҳил, ижтимоий барқарор юртга ҳар қандай тўй-томоша ярашади. Дунёнинг турли минтақаларида қирғинбарот урушлар, оммавий хунрезликлар давом этаётган бир пайтда халқимизнинг ана шундай бахтли ва осойишта ҳаётидан қувонмай бўладими, ахир!

Мустабид тузум даврида давлат манфаати шахс эрки ва ҳуқуқларидан устун эди. Энди-чи, давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи сифатида хусусий мулк, тадбиркорлик учун барча йўлларни очиб бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида қайд этилганидек, «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлидир». Кўпгина қонун ва қонуности ҳужжатлар ҳам тадбиркорлик субъектлари манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилганлиги билан эътиборни тортади. Шу боис юртимизда хусусий мулкчилик жадал ривожланиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, сервис хизмати ва бошқа соҳаларда унинг мавқеи ошиб бормоқда. Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун айрим мисолларни келтириб ўтсак. Бугунги кунда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизи, баъзи тармоқларда эса 100 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади. Иқтисодиёт соҳасида банд бўлганларнинг 75 фоизи айнан кичик бизнес корхоналарида меҳнат қилиб, шу ҳисобдан рўзғор тебратмоқда.

2

# «...МИЛЛАТНИНГ ДАРДЛАРИГА ДАРМОН БЎЛМОҚ ВАЗИФАНГИЗДИР»



*«Шу хурсандчилик кунда барча-барчангизни самимий қутлар эканман, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Адолат ва озодлик дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир», деб айтган чуқур маъноли даъвати халқимизнинг фидойи фарзандларига, авваламбор, ҳамиша эл-юрт ташвиши ва манфаати билан ёниб яшайдиган сиз, матбуот аҳлига қаратилган, десам, ўйлайманки, кўпчилик жамоатчилигимизнинг фикрини ифода этган бўламан».*

**Ислом КАРИМОВ.**

## 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

## Фракция биринчи ўқишда маъқуллади

**O`zLiDeP фракциясининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди**

Депутатларимиз дастлаб биринчи ўқишда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат Президентимизнинг 2014 йил 24 июлдаги «Қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талаблари асосида ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида Қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар тузилмасида эса бош бошқарманинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Адлия вазирлиги тузилмасидаги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари тугатилди.

Мазкур масала юзасидан сўзга чиққанлар бошқарманинг вазифалари ҳақида тўхталар экан, у қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги устидан назорат самарадорлигини оширишга хизмат қилишини эътироф этдилар.

2

## Янги таҳрирдаги кодекс ва қонун лойиҳасининг жойлардаги муҳокамаси

Шу кунларда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида «Тадбиркорлар ва фермерлар мулоқот форуми» доирасида барча вилоятларда электорат вакиллари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари иштирокида янги қонун лойиҳаларининг муҳокамалари ташкил этилмоқда. Жумладан, куни кеча Фарғонада янги таҳрирдаги Божхона кодекси, Навоийда эса «Ветеринария тўғрисида»ги қонун лойиҳаси электорат экспертизасидан ўтказилди.

— Амалдаги Божхона кодекси 1997 йилда қабул қилинган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Эшназаров. — Унда кўпгина қоидалар тўлиқ акс эттирилмагани учун ўтган йиллар давомида 350 дан ортиқ турли қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунингдек, мазкур кодексга 15 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Янги таҳрирдаги лойиҳада эса баъзи номутаносибликлар, тадбиркор ва божхона ходимлари ўртасидаги муносабатлар, шартномавий келишувларда юзага келаётган қийинчиликларнинг ҳуқуқий ечими ўз ифодасини топаяпти.

Амалий мулоқот давомида тадбиркорлик субъектлари вакиллари томонидан ушбу лойиҳани янада такомиллаштириш юзасидан билдирган таклифлар жамланиб, партиянинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоларига тақдим этилди.

2

**ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!**

ДУНЁГА АҚЛ КЎЗИ БИЛАН БОҚҚАН ОДАМГА ДУНЁ ҲАМ ОҚИЛОНА ҚАРАЙДИ.

ГЕГЕЛЬ.



**Одинахон ЖАМОЛДИНОВА,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси

## Фармонда белгиланган вазифалар фаолиятимизнинг устувор йўналишидир

*O`zLiDeP фракцияси аъзолари Президентимизнинг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини буюк келажак пойдеворини янада мустаҳкамлаш, интеллектуал мулк асрида иқтисодиёт рақобатдошлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилувчи муҳим тарихий ҳужжат сифатида баҳоламоқдалар.*

*Ҳақиқатан ҳам бугун тобора глобаллашаётган, илм-фан, юксак технологиялар шиддат билан ривожланаётган дунёда либерал-демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш орқалигина Ўзбекистонимизнинг тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига эришишимиз мумкин.*

*Ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш, ўз навбатида, замонавий ҳунарларни пухта эгаллаган мутахассислар тайёрлаш, таълим тизимини иқтисодиётнинг барқарор ўсишидан келиб чиқиб такомиллаштириш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир.*

2

**БУГУНГИ СОНДА:**


**«ХАВФСИЗ ИНТЕРНЕТ:** Партиявий лойиҳанинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти 2



**ИСЛОҲОТ** Электорат ишончи нафақат рағбат, балки улкан масъулият ҳамдир 3



**ЖАРАЁН** «Тадбиркор аёл» — 24 ёшда 4



**РЕКЛАМА ЎРНИДА** Ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорлик 6




**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 23 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)**
**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1985,33 | 1 АҚШ доллари | 2550,85 | 1 Хитой юани | 410,86 | 1 Польша злотийси | 695,64 | 1 ЕВРО | 2883,89 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4056,11 | 1 Миср фунти | 334,32 | 1 Россия рубли | 47,41 | 1 СДР | 3602,06 | 10 Жанубий Корея вони | 23,21 |
| 1 Дания кронаси | 389,50 | 1 Исландия кронаси | 19,58 | 1 Украина гривнаси | 117,90 | 1 Туркия лираси | 947,11 | 10 Япония иенаси | 207,94 |
| 1 БАА дирҳами | 694,58 | 1 Канада доллари | 2083,69 | 1 Малайзия ринггити | 685,16 | 1 Швейцария франки | 2782,95 | | |

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Носир ТОШЕВ,**
«XXI asr»

Мустақиллик йилларида аҳолининг реал даромадлари 8,2 бараварга кўпайди, ўртача умр кўриш давомийлиги 67 ёшдан 75 ёшга узайди. Ҳозирда қишлоқ ҳудудларида яшовчи барча фуқаролар ўз мулки ва томорқа ерларига эгадир. Бу эса турмуш фаровонлигини ошириш, дастурхонлар ободлигини таъминлаш, бозор пештахталарини мол ва маҳсулотлар билан бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Асл ҳақиқат қиёслашда билинади, дейдилар. Ўтмишда эрк-ҳуқуқлари топталган қоракўз миллатдошларимиз айнан мустақиллик туфайли барча тазйиқ ва чекловлардан халос бўлиб, янгидан-янги ташаббусларга қўл урмоқдалар. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ижтимоий-сиёсий нуфузи тобора юксалаётганлиги ҳам бежиз эмас. Хусусан, асрларга татигулик бой меросимиз, шонли тарихимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланаётганлиги, бунинг учун жойларда кенг имконият ва қулай шарт-шароитлар яратилаётганлиги, фуқароларда юрт тақдири учун дахдорлик ҳисси кучайиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Кундалик ҳаётимизга хос бўлган янгиланишлар моҳияти хусусида баҳс юритилар экан, гап яна ўз-ўзидан истиқлолга бориб тақалади. Муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги фикрларига эътибор қаратайлик: «Мустақил тараққиёт йўлида амалга оширган, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган ишларимизга баҳо берарканмиз, биз эришган ютуқ ва марраларни қўлга киритиш осон бўлмаганлигини таъкидлаш ўринлидир».

Дарҳақиқат, омад осмондан тушмайди. Бунинг учун курашиш, қўлни қўлга бериб меҳнат қилиш лозим, албатта. Кейинги йиллар тажрибаси танлаган стратегик йўлимизнинг тўғри ва умрбоқийлигини яққол исботлаб турибди. Хусусан, она-Ватанга юксак муҳаббат, халқимиз табиатига хос бўлган жўмардлик ва фидокорлик, пухта ўйланган оқилона ички ҳамда ташқи сиёсат, эзгу анъаналарга чуқур садоқат бугун тараққиётимиз йўлида ўзига хос олтин калит бўлиб хизмат қилаётганлиги айни ҳақиқатдир. Ана шуларнинг барчаси учун тақдиримиздан миннатдор бўлиб, Яратганга ҳар қанча шукрона келтирсак арзийди.

Қиш қўйнида баҳор яшаганидек, юртимиз эртасини теран фикрли, зукко ва билимдон, юксак маънавиятли ёшларсиз тасаввур этиш қийин, албатта. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ навқирон авлод камолоти ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Замонавий ўқув даргоҳлари, муаззам спорт иншоотлари улар ихтиёрига бериб қўйилган. Фарзандларимиз касб-ҳунар коллежларида таҳсил олиб, ўзлари танлаган ихтисосликларни пухта ва мукаммал эгалламоқдалар. Қани, энди ўзингиз холисонилло айтинг: илгари бундай шароит ва қулайликларни тасаввурга сиғдириб бўлармиди? Йўқ, албатта. Айнан мустақиллик шарофати билан ўғил-қизларимиз турли фан олимпиадалари, халқаро спорт майдонларида ўз лаёқатларини намоён этиб, Ўзбекистон обрўсига обрў, шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар. Бу ҳам бўлса, юртимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан яққол далолат беради.

Оила обод — кўнгил обод. Шу муносабат билан сўнгги йилларда чуқур илдиз отаётган яна бир улуғ, савоб иш хусусида қисқача тўхталиб ўтишни лозим, деб топдик. Гап қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳақида кетаётганини англаган бўлсангиз керак. Жаҳон амалиётида камдан-кам учрайдиган ушбу ноёб тажрибанинг ташаббускори ва бош меъмори шахсан Юртбошимизнинг ўзлари эканлиги қалбларда чексиз мамнуният уйғотади. Чиндан-да, эндиликда баъзи қишлоқларни шаҳардан ажратиш қийин. Турмуш маданияти ҳам шунга яраша. Маълумотларга қараганда, кейинги йиллар мобайнида мамлакатимизнинг қишлоқ туманларида намунавий лойиҳа асосида 900 дан ортиқ янги турар-жой массивлари, шунингдек, 33,5 мингдан зиёд якка тартибдаги замонавий уй барпо этилди. Улар табиий газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув, хуллас, барча замонавий қулайликлар билан таъминланганлиги янада қувонарлидир. Кўчиб кирасизу, оила аъзоларингиз билан бемалол яшайверасиз. Маблағ керак бўлса, марҳамат, банклар ёрдамга ҳамиша тайёр. Яъни улар томонидан кам фоизли ставкалар асосида узоқ муддатга кредит ажратиш тартиби жорий этилганки, бу маҳаллий аҳоли учун айни муддао бўлмоқда. Жорий йилда республикамиз қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида 11 мингта янги турар-жой барпо этиш режалаштирилган. Бу эса яна шунча хонадон бағри қувонч, файзу баракага тўлади, деганидир!

Хуллас, айтаверсак юқоридаги каби жозибали мисоллар жуда кўп. Томчида қуёш акс этганидек, ислоҳотларнинг ҳаётбахш самаралари ҳар қадамда яққол сезилиб турибди. Халқимиз бундан руҳий куч-қувват олиб, ўз келажагини ўз қўллари билан бунёд этмоқда. Зеро, ижтимоий-маънавий илдизлари мустаҳкам юрт ва миллатнинг йўли ойдин, келажаги эса порлоқдир.

# Фракция биринчи ўқишда маъқуллади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

— Маълумки, қонунлар ва қонуности ҳужжатлар қанчалик мукаммал, аниқ ҳамда лўнда бўлса, уларни ҳаётга татбиқ этиш самарадорлиги шунча ортади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Наргиз Халилова. — Юқоридаги қонун лойиҳасидан келиб чиқиб, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартишлар киритиш таклиф этилаётгани замирида ҳам худди шу мақсад мужассам. Мазкур ўзгартишлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини яхшилашга, мавжуд тафовутлар бартараф этилишига, такрорийликка йўл қўймасликка, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатларини камайтиришга ҳуқуқий асос яратади.

Шунингдек, йиғилиш давомида тегишли ўзгартириш киритиш таклиф этилаётган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таъкидланганидек, мазкур ҳуқуқий ҳужжат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш каби устувор вазифаларни бажаришга, пировардида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими таъсирчанлилигини янада оширишга қаратилгандир. Масалага O'zLiDeP Сайловолди дастуридан келиб чиқиб муносабат билдирган фракциямиз аъзолари бу соҳада, айниқса, мулкдорларнинг мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган қонун нормаларини такомиллаштириш ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим эканлигини қайд этишди.

Йиғилишда билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда фракция қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллади.

# Янги таҳрирдаги кодекс ва қонун лойиҳасининг жойлардаги муҳокамаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**— «Ветеринария тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ветеринария барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган профилактика, диагностика ва даволаш тадбирлари, лаборатория синовлари, ветеринария дори воситалари ва озуқавий қўшимчаларнинг муомалада бўлишига оид талаблар киритилаётгани, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ишончли муҳофазалаш ҳамда савдо объектларида ветеринария-санитария тадбирларини ташкил этиш бўйича қатор ҳуқуқий асослар жой олганлиги билан амалдагисидан фарқланади, — дейди НКМК бош санитария врачи, халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Овод Ерназаров. — Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермерлар ва истеъмолчиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам қонун лойиҳасига чорвачиликка ихтисослашган деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда асосий ветеринария-санитария талаблари ҳамда аҳоли пунктларида қишлоқ хўжалик ҳайвонларини парваришлашга оид қоидаларни киритиш таклиф қилинмоқда.**

**Форумда сўзга чиққан депутатлар мазкур қонун лойиҳаси O`zLiDeP Сайловолди платформасидаги тадбиркорлик субъектлари, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, реал мулкдорлар синфини шакллантириш орқали қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш йўналишида белгиланган вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин тутишини таъкидладилар.**

# Фармонда белгиланган вазифалар фаолиятимизнинг устувор йўналишидир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Юртбошимиз раҳнамолигида инсон капиталига инвестиция йўналтиришга баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шарти сифатида алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас. Зеро, ёшлар салоҳиятини ривожлантириш — бу келажакка сармоя киритиш, демак. Хусусан, 1990 йилда Давлат бюджетининг 17,9 фоизи таълим соҳасига йўналтирилган бўлса, бугун бу кўрсаткич 34,2 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Ушбу харажатларнинг 5 фоиздан ортиғи эса олий таълим тизимини ривожлантиришга сарфланяпти.

Айнан шулардан келиб чиқиб, O`zLiDeP Президентимиз фармонида белгиланган олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш борасидаги мақсад ва вазифаларни ўз фаолиятининг устувор йўналиши, деб билади. Фракциямиз аъзолари фармонда профессор-ўқитувчиларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт, ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш масалалари ўз ифодасини топганлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Кўриниб турибдики, ўқитувчиларнинг глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологояларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши, педагог кадрларнинг чет тилини амалий ўзлаштириши билан боғлиқ ишлар кун тартибига қўйиляпти.

Фикримизча, фармонда белгиланган талаблар асосида қайта тайёрлов курсларидан муваффақиятли ўтган тингловчилар махсус сертификатларга эга бўлиши билан бир қаторда, ўзларининг интеллектуал ва касбий салоҳиятларини ошириб бориш, «меҳнат бозори», хусусан, «таълим бозорида» ўзларининг «рақобатдошликлари»ни жаҳон андозалари асосида юксалтириш имкониятига эга бўладилар. Бундан нафақат ушбу кадрлар ёки улар таълим бераётган ўқув юртлари, балки мамлакатимиз иқтисодиёти, жамиятимиз ва давлатимиз ҳам манфаатдордир. O`zLiDeP қаерда рақобат муҳити кучайса, ўша ерда тараққиёт, ривожланиш бўлади, деб ҳисоблайди.

Мухтасар айтганда, фракциямизнинг қатъий фикрича, ушбу фармон демократик ислоҳотлар йўлидаги изчил ҳаракатларнинг муҳим омилларидан бири сифатида таълим тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Шундай экан, биз депутатларнинг асосий вазифамиз — қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятимизда фармонда белгиланган устувор йўналишлар ижросига алоҳида эътибор қаратишдан иборат.

# «ХАВФСИЗ ИНТЕРНЕТ»: Партиявий лойиҳанинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти

**Бугун ҳаётни компьютерсиз, аниқроғи, интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Қидирув хизмати орқали исталган маълумотингизни саноқли дақиқаларда топиб берадиган ушбу глобал тармоқ катта дўкондек гап. Эҳтиёжингизга яраша танлаб олаверасиз. Супермаркетдан фарқи шундаки, унинг чегараси йўқ. Бунда таклиф этилаётган маҳсулотларнинг қай бири бол, қайсиси оғу эканини ажратиш наинки фарзандларимиз, катталар учун ҳам мушкул. Мантиқан олиб қараганда, ўз дўконида ибосизлик ва беҳаёликни, жангарилик ва ваҳшийликни таклиф қиладиган «сотувчилар»нинг мақсади фақат тижорат, кўпроқ пул тўплашдан иборат эмас. Носоғлом руҳдаги ахборотлар эса ёшлар тарбияси, уларнинг ахлоқи, онги ва тафаккурига маънавий зарар етказади**

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»

Арастунинг шогирдларидан бири билан суҳбатида мантиққа асосланган, лекин фойдасиз ёки фойдалию аммо мантиқсиз хатти-ҳаракат ҳақида баҳс кетади. Шогирд бундай бўлиши мумкин эмас, деган фикрида қатъий туради ва устозидан аниқ мисол келтиришни талаб қилади. Арасту айтадики, жанггоҳда ярадор ётган сафдошини қутқариш учун ўт ичига кирган аскар тасодифан ўзи ўқ еб, ҳалок бўлса, бу ишда фойда бўладию мантиқ йўқолади. Чунки бир ярадорни деб соппа-соғ аскар ҳаётдан кўз юмади. Демак, мантиққа асосланган, лекин бефойда ёки аксинча, фойдалию мантиқсиз хатти-ҳаракат бўлиши мумкин экан. Бу баҳсни ёдга олишдан мурод бугунги кунда ғоят оммавийлашиб бораётган интернетнинг моҳияти, фойда ва зарари ҳақида мушоҳада юритишдир.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан Тошкент ахборот технологиялари университетида ўтказилган O`zLiDePнинг «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасидаги «Интернет хавфсизлиги ва интернет маданияти: муаммо ва ечимлар» мавзуидаги форумда ана шундай таъсирчан мулоҳазалар ўртага ташланди.

Ёшларнинг ўзига хос очиқ мулоқотига айланган форумда жами 350 кишилик навқирон авлод вакиллари иштирок этишди. Унда O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Тўрабек Назаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Раҳматилла Каримов ва бошқалар мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда миллий ахборот тизимини шакллантириш, ахборотлаштириш соҳасини тартибга солиш, интернет хизматларини ривожлантириш, фуқароларнинг бу борадаги талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида кўплаб қонун хужжатлари қабул қилинганини алоҳида таъкидлашди.

Дарҳақиқат, ҳозирда интернет аудиториясининг катта қисмини ёшлар ташкил этмоқда. Жаҳон ахборот тармоғида яратилаётган имкониятлар бисёр, албатта. Бироқ кучли мафкуравий таъсир кўрсатиш воситаси бўлган ушбу тизим айни пайтда жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюсида бу масалага яна бир бор кенг жамоатчиликнинг эътиборини қаратди.

Айнан шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, ёшларни интернет тармоғидаги бузғунчи контентдан ҳимоя қилиш ва уларда интернет маданиятини шакллантириш, ҳаётга теран қарайдиган маънан етук, баркамол авлодни тарбиялаш, уларни ахборот маконидаги таҳдидлардан асраш, интернет тармоғидан хавфсиз фойдаланиш, салбий веб-сайтлар орқали кириб келаётган ёт ғояларнинг олдини олиш мақсадида O`zLiDeP томонидан «Хавфсиз интернет» лойиҳаси амалга оширилмоқда.



Солиҳ ЗОИР олган суратлар

— Мазкур лойиҳа ёшларнинг интеллектуал меҳнат соҳасида ўз қобилият ва истеъдодини намоён этиши учун зарур шароит яратиш борасидаги партиянинг дастурий мақсадларида акс эттирилган устувор вазифаларга ҳамоҳангдир, — дейди O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Мастура Ҳайитова. — Тадбир давомида ахборот-коммуникация ва инновацион технологиялар соҳасида тадқиқот олиб бораётган иқтидорли ёшларнинг лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети талабаси Ж.Халиқуловнинг журналистик мултимедиа жанрига бағишланган www.infografika.uz сайти, Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси А.Тожиевнинг www.uz доменидаги веб-сайтларда ёшларни қўллаб-қувватлашга оид лойиҳалари қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Худди ана шундай тадбир O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан Тошкент давлат аграр университетида ҳам ўтказилди. Навқирон авлоднинг эркин фикр алмашиш минбарига қиёсланган мазкур форумда «Хавфсиз интернет» лойиҳа доирасида шу кунгача миллий ахборот ресурслари сифатини ошириш, интернетнинг миллий сегментида ёшлар таълими ва билимини такомиллаштириш бўйича давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказиб келинаётгани ижобий самара бераётгани эътироф этилди.

Тадбирда сўз олган O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Файзиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Расул Кушербоев, Ўзбек жанг санъати миллий федерацияси раиси, халқ депутатлари Ўртачирчиқ туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Пўлат Усмонов интернет тез ахборот ёки маълумот олиш, етказиш ҳамда қайта ишлашда беқиёс манба саналиши, кундан-кунга ундан фойдаланувчилар сафи кенгайиб бораётгани учун ҳам мазкур тизимдаги ёшлар кирадиган сайтларни тубдан янгилаш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Бу борада истиқболли партиявий лойиҳалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

— Интернетнинг фойдаси кўп, — дейди П.Усмонов. — Ҳозир одамлар конвертга марка ёпиштириб, почтага кам боради. Энди мактублар ҳам кунлаб, ҳафталаб йўл «юрмайди». Телефондаги суҳбатнинг 10 дақиқаси учун кетадиган харажатнинг ярми интернетга сарфланса, ундан бирон соат фойдаланиш мумкин. Интернетда эса махсус ишлаб чиқилган хизматлар бор. Улар ёрдамида чет эл билан бемалол сўзлашиш мумкин. Интернет орқали самолётга чипта, ўзга қитъадаги меҳмонхонадан жой олиняпти, савдо-сотиқ қилиняпти. Битмас-туганмас ахборот манбаи бўлган интернет орқали янгиликлардан хабар топаяпмиз, ўзимизга керакли илмий ва бадиий адабиётларни ўқияпмиз ва ҳоказо.

Афсуски, интернет фақат маърифат ва қулай хизматлар таклиф қилмаяпти. Бу тармоқни бежиз ўргимчак тўрига қиёслашмайди. Бу қиёсда асос бор. Нафси бузуқ кимсалар турли ахлоқсиз сайтларни очиб, бизнес қилишаётир. Уларнинг тўрига илинганларнинг оиласи бузиляпти. Мутахассислар сўнгги беш йилда бундай сайтлар сони қарийб йигирма марта ошганини ҳисоблаб чиқиишган. Энг ачинарлиси, «катталарга мўлжалланган» сайтларни очиш учун ёшлардан фойдаланиляпти ва «катталарнинг сайти»га кираётган болалар кўпаймоқда.

Тарозунинг палласи иккита. Интернетни тарозуга солганда, албатта, фойдали палла оғирроқ тош босади. Лекин нариги паллани асло эътибордан соқит қилмаслик керак. Фарзандларимизни назорат қилмасак, одоб-ахлоқли этиб тарбияламасак, ёмон йўллардан қайтармасак, Арастунинг ҳақлигини исботлайверамиз — интернетдан фойдаланишда мантиқ бўладию фойда бўлмайди.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида алоҳида таъкидланганидек, жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз. Қолаверса, фарзандларимизни замонавий тараққиётдан орқада қолдиришга ҳам ҳаққимиз йўқ.

Демак, ҳамма гап маънавий иммунитетни мустаҳкамлашда, деган хулосага келишди юқорида тилга олинган форумлар қатнашчилари. O`zLiDePнинг истиқболли лойиҳаларидан бири «Хавфсиз интернет» ҳам айни шу жиҳатлари билан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

# Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашнинг муҳим омили

**Мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз эркинлигини таъминлаш, ОАВларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган ишлар босқичма-босқич, тизимли равишда амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда ўндан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, журналистларнинг профессионал фаолияти учун зарур ҳуқуқий шароит яратиб берилган. Хусусан, «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни алоҳида тилга олиш ўринлидир**



**Расул КУШЕРБАЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Айниқса, сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллиги ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага бозор механизмларини жорий этиш масалаларига катта эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида холис, тезкор, шаффоф ахборотларни етказишга иқтисодий эркин оммавий ахборот воситасигина қодир бўлади. Бу эса O`zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланганидек, ахборот маконида бозор муносабатларини ривожлантириш ҳамда матбуотнинг мулкчилик шакли, адади, қамрови ва мавзу йўналишидан қатъий назар, барча қатнашчилар ўртасида адолатли рақобат бўлишини таъминлайди. Зеро, партия медиа тармоқлар, матбаачилик корхоналарини ахборот-коммуникация соҳасидаги замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайди.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш борасидаги ислоҳотларни изчиллик билан давом этиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани айни ҳақиқат. Зеро, Концепциянинг учинчи бўлимида айнан ахборот соҳасини ислоҳ қилиш масалалари кўзда тутилган. Таъкидлаш ўринлики, унда илгари сурилган қонунлар амалиётга босқичма-босқич жорий этилаяпти. Жумладан, ўтган йили «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу эса ахборотлаштириш тизимида янги даврни бошлаб бериш билан бирга миллий журналистикани янада ривожлантиришда муҳим қадамлардан бири бўлди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу ҳужжат нафақат давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш, балки тақдим этилаётган маълумотларнинг сифати ва ҳаққонийлиги учун масъулиятни ҳам оширади.

Яратилаётган бундай шарт-шароитлар ўз ўрнида жамият ҳаётида янги турдаги оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлиши ва ахборот маконини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, нодавлат оммавий ахборот воситалари жадал суръатда тараққий этаётгани аҳамиятга молик. Буни, айниқса, ахборот тарқатишнинг замонавий кўринишларидан бири — веб-сайтлар мисолида кўриш мумкин. Бугунга келиб мамлакатимизда 300 дан ортиқ веб-сайт расмий интернет нашри сифатида рўйхатдан ўтган.

Агар юртимизда 1995 йили «uz» домени рўйхатга олинганини ҳисобга оладиган бўлсак, унда жойлаштирилаётган веб-сайтлар сони йил сайин ўсиб бораётир. Масалан, 2010 йилнинг бошида миллий интернет маконида 10 мингдан ортиқ веб-сайт рўйхатга олинган бўлса, ҳозир уларнинг сони 20 мингдан зиёддир.

Кечагина «блогер» тушунчаси биз учун мавҳум эди. Бугун эса ҳар биримиз Интернет глобал тармоғида ўз блогимизни очиш ва унда мустақил равишда ахборот тарқатиш, ўз нуқтаи-назаримизни баён қилиш, пировардида Конституцияда белгилаб қўйилган сўз ва ахборот эркинлигини тўла рўёбга чиқаришимиз мумкин. Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунига тегишли ўзгартишлар киритилиб, унда «блогер» тушунчасига ҳам изоҳ берилди. Уларнинг фаолиятига қўйиладиган талаблар ва блогерлар томонидан тарқатиладиган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик чоралари белгиланди.

Юртбошимиз мана шундай юксак марраларни забт этишда ўзининг бор куч-ғайратини сарфлаётган журналистлар меҳнатини баланд тоғ чўққисига чиқиш машаққати билан қиёслаган эдилар. Бу ўзини матбуот, оммавий ахборот воситаси ходими, дея ҳисоблаган барча-барчанинг фаолиятига берилган юксак баҳодир.

# Фаолият мезони — амалий иш

**Маълумки, партия туман (шаҳар) бўлимининг раҳбар органи конференция ҳисобланади. Унинг ваколатларига дастурий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда партия съезди, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси, тегишли ҳудудий ташкилотлар қарорлари билан белгиланган вазифаларни бажариш, партия туман (шаҳар) кенгаши ва назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш каби муҳим ишлар киради**

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»

Хўш, ўтган йиллар мобайнида партиямиз электорати манфаатларини талаб даражасида ифодалай олдикми? Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл мазмун-моҳияти либерал-демократик ғоялар билан уйғун эканлигини омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш борасида қандай натижаларга эришилди? Эндиликда олдимизда турган асосий вазифалар нималардан иборат?

O`zLiDeP туман ва шаҳар кенгашларининг баҳс-мунозаралар, ўзаро фикр алмашинувлар тарзида ўтаётган ҳисобот-сайлов конференцияларида делегатлар кун тартибига қўйилган ана шундай саволларга холис жавоб топишга интилиб, хусусий сектор вакиллари манфаати йўлида янада қатъийроқ курашиш зарурлигини таъкидладилар.

**ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА**

Бугунги кунда 44 та бошланғич ташкилотга бирлашган 3737 нафар сафдошимиз фаолиятини мувофиқлаштираётган Бектемир туман партия ташкилоти конференциясида ўз ҳаётини O`zLiDeP билан чамбарчас боғлаган 40 делегатдан ташқари Тошкент шаҳар кенгаши мутасаддилари, депутатлар, МФЙлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этишди. Уларнинг 18 нафари хотин-қизлардан иборат. Жами делегатларнинг ярмидан кўпроғини хусусий сектор вакиллари, иқтисодий соҳа мутахассислари ташкил этгани партия дастурий ғояларини тўла амалга оширишдан манфаатдор ҳаммаслаклар тўпланганидан далолат беради.



Тадбирда ўтган 5 йил давомида олиб борилган ғоявий-сиёсий ишлар ижобий самаралар бергани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётига кўмаклашиш, ишбилармонлар манфаатларини ҳимоялаш бўйича тизимли саъй-ҳаракатлар амалга оширилгани, кенгаш билан БПТлар ўртасидаги алоқалар такомиллаштирилгани қайд этилди. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳисобот даврида партия аъзолари сони 782 кишига, БПТлар эса 5 тага кўпайди. Туманда 30 минг аҳоли яшашини ҳисобга олсак, бу анча яхши кўрсаткич.

Қайд этилганидек, туман хотин-қизлари ўртасида партиямиз таъсир доираси кенгайгани 2011 йилда O`zLiDePга аъзо аёллар 1278 нафар бўлгани ҳолда ҳозир маслакдош опа-сингилларимиз салкам 1900 нафарга етганида яққол акс этади. Ҳисобот даври датурли мавзуларга бағишланган 20 дан зиёд тадбир ўтказилди. Уларнинг асосий қисми аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш, иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий савиясини юксалтиришга йўналтирилганлиги билан диққатга сазовор.

Конференцияда O`zLiDeP Бектемир туман кенгашининг Ёшлар билан ишлаш гуруҳи фаолиятига ҳам эътибор қаратилди. Чунончи, кейинги йилларда 451 нафар навқирон йигит-қизлар партиямиз сафига киришгани эътироф этилди.

Очиқ-ошкоралик, ўз-ўзини танқид руҳида ўтган йиғилишда айрим хато ва камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди.

— Таҳлиллар шундан дарак бераяптики, бир неча йўналишда сезиларли ютуқларга эриша олмадик, — деди O`zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Рустам Маматхонов. — Баъзи кўрсаткичларимиз пасайиб кетди. Жумладан, янги БПТлар тузиш масаласида асосан йирик корхоналар билан чекланиб қолдик. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан бу борада етарлича иш олиб боролмадик.

Конференцияда ташкилий масалалар кўрилди. Ф.Қаландаров партия туман кенгашининг янги раиси этиб сайланди. Иштирокчилар туман кенгаши ва назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини, шунингдек, O`zLiDeP Тошкент шаҳар конференциясига делегатларни сайлашди.

**ИМКОНИЯТЛАРДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНЯПМИЗ?**

Ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловда O`zLiDeP Чилонзор туман кенгаши фаолларидан 3 номзод иштирок этди. Уларнинг 2 нафари — Р. Каримов ва П. Свешников кўп овоз олиб, парламент қуйи палатаси депутати бўлдилар. Р.Усмонов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига сайланди. Бундай натижага ҳеч қайси туман эриша олгани йўқ.

Партия Чилонзор туман ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида ана шу алоҳида тилга олинди.

— Барча ютуқларимиз замирида фаоллар ва депутатлар қаторида БПТларнинг ҳам хизмати ётибди, — деди партия туман кенгаши раиси Р.Каримов. — Кейинги 5 йил ичида туманимиздаги корхона ва ташкилотларнинг яна 51 тасида БПТ ташкил қилинди. Бугунги кунга келиб сиёсий таянч нуқталари 104 тага етди. Партия аъзолари эса 1561 нафарга ортиб, жами 3064 нафарни ташкил этмоқда. Бу эса тарғибот ишлари таъсирчанлигини



кўрсатиши билан бирга либерал-демократик ғояларнинг ниҳоятда ҳаётий эканлигини яққол намойиш этаётир. Сиёсий куч негизи ҳисобланган қуйи бўғинлар нафақат сон, балки сифат жиҳатдан ҳам анча ўсди. Бошқача ифодалаганда, электоратимиз ўртасида партия илгари сураётган ғоялар моҳиятини ташвиқ қилиш самарадорлиги ошди. Бу борада, айниқса, АТ «Агробанк» аппарати, «PGS» хусусий корхонаси, АТ «Микрокредитбанк» бош офиси, «MANGU BO`L OBOD» хусусий корхонасида тузилган таянч бўғинлар фаолияти ибратлидир.

Маърузачи аёллар ва ёшлар билан олиб борилган ишларга ҳам тўхталиб, мазкур йўналишларда эришилаётган ютуқлар, юз бераётган ижобий ўзгаришлар тўғрисида муфассал сўз юритди.

Конференция иштирокчилари эътиборига тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга доир ахборотлар ҳам тақдим қилинди. Масалан, тадбиркор А.Сулеймановага дорихона қуриш учун ажратилган ерга бошқа субъект эгалик даъво қилган ва панжара билан ўраб олган. Марказ ҳуқуқшунослари бу иш бўйича тегишли тартибда Шайхонтоҳур туманлараро судига мурожаат қилгач, даъво қаноатлантирилиб, ер участкасини ва маънавий зарар учун 2 миллион сўм маблағ тадбиркор фойдасига ундириб берилди.

Яна бир мисол: «Чилонзор буюм бозори»да фаолият кўрсатаётган «Нефелла» МЧЖ раҳбари аризасига кўра, ушбу ҳудудда жойлашган хусусий бинолар соҳиблари учун инфратузилма солиғи кутилмаганда 5 баробар оширилган. Тумандан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари масалани жойига чиқиб ўрганишди ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига, Адлия вазирлигига депутатлик сўровлари юборишди. Пировардида солиқ миқдори қарийб аввалги қийматига қайтарилди.

Туман партия ташкилоти раисининг биринчи ўринбосари А.Мухримов конференция иштирокчилари эътиборини ташкилий масалаларга қаратди. Тадбирда партия ташкилоти кенгаши ва назорат-тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, O`zLiDeP Тошкент шаҳар ташкилотининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди.

**O`zLiDeP мамлакатимизда фаолият юритаётган энг ёш ва айни пайтда энг нуфузли партия ҳамдир. Сиёсат майдонига ўзига хос ғоялар билан кириб келиб, уларни изчил амалга ошира бошлагани туфайли давлат ва жамият ҳаётидаги ўта муҳим воқеа — парламент ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлиги учун ўтказилган сайловларда етакчиликни қўлдан бермай келаяпти**

# ЭЛЕКТОРАТ ИШОНЧИ

## НАФАҚАТ РАҒБАТ, БАЛКИ УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ҲАМДИР

Бундай мақомга эга бўлиш осон эмас, албатта. Ҳамиша эл эътиборида бўлиш учун мунтазам изланиш, амалий ишлар билан аҳоли кенг қатламлари ишончига сазовор бўлиш даркор. Шу боис O'zLiDeP раҳбарияти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, ҳудудий ташкилотлари ҳамда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билдирилган юксак ишончни оқлашга ҳаракат қилишаяпти. Электорат манфаатларидан келиб чиқилиб, жойларда долзарб масалаларга оид учрашувлар, ўқув-семинарлар, ўзаро тажриба алмашишга оид қатор тадбирлар ўтказилаётир.

Ўтган ҳафтада республикамизнинг турли вилоятларида жойлардаги партия ташкилотлари билан депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган амалий семинарлар шулар жумласидандир.

**ЎРГАНИЛДИ, БАҲО БЕРИЛДИ, ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ**

«Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» деган ҳикматнинг нечоғли ҳаётий эканига O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан Қизилтепа туманида ўтказилган амалий семинар иштирокчилари яна бир бор амин бўлдилар.

Тадбир қатнашчилари Юртбошимизнинг O`zLiDeP VII съездидаги «Бизнинг мақсадимиз — эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш» мавзуидаги маърузасида белгиланган устувор вазифаларни бажариш борасида партия Қизилтепа туман кенгаши тажрибасини ўргандилар. Юртимизда мулкдорлар фаолияти, ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний ҳимоя қилинишини кафолатловчи тарихий ҳужжат — «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони мазмун-моҳияти юзасидан фикр алмашишди. Сўнгра партия туман кенгаши аъзолари сафини кенгайтириш, тарғибот ишларини ташкил этиш, депутатлик корпуси вакиллари билан БПТлар ҳамкорлиги, партиявий лойиҳаларни изчиллик билан ҳаётга жорий этиш, O`zLiDePнинг сиёсий саҳнадаги лидерлик позициясини янада мустаҳкамлаш, партия устави ва дастурида белгиланган вазифаларни бекаму-кўст бажариш, ғоя ва мақсадларини партия электорати, хайрихоҳлари ва кенг аҳоли қатламлари ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишдаги кечиктириб бўлмайдиган вазифалар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар хусусида сўз юритдилар.

Семинарнинг амалий қисмида ободонлаштириш бошқармаси ва «Кубаро диёр» фермер хўжалигидаги бошланғич партия ташкилотлари иш тажрибаси билан танишилди.

Тадбирда иштирок этган O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Бахтиёр Якубов қўлга киритилган ютуқларни таъкидлаш баробарида партиявий фаолият йўналишларига эътиборни янада кучайтириш, камчиликларни бартараф этиш учун мавжуд кучларни бирлаштириш, депутатлик гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолиятини жонлантириш, партия аппарати ходимлари, барча даражадаги депутатлар, БПТлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар салоҳиятидан фойдаланган ҳолда партиявий ишни талаб даражасида ташкил этиш борасида вазифаларга эътибор қаратди.

— Бугунги тадбир бачамиз учун фойдали бўлди. Худди шундай амалий семинарнинг навбатдагисини Кармана туманида ўтказишни таклиф қилдим, — дейди халқ депутатлари Кармана туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Рамазон Эгамов. — Бизда ҳам ўрганишга арзийдиган ютуқлар бор. Камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Сафдошларимизнинг маслаҳатлари уларни бартараф этишда қўл келади, деб ўйлайман.

**ТАЖРИБА ВА РЕЖАЛАР БИР НУҚТАДА ТУТАШДИ**

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси мутасаддилари, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари аппаратлари раҳбарлари, депутатлар, БПТ етакчилари ҳамда партия фаоллари қатнашдилар.

Тадбирда шаҳар партия кенгашининг 2011-2015 йиллардаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Хусусан, ташкилий-партиявий ишларга алоҳида эътибор қаратилди. БПТлар сони ошгани, сафдошларимиз сафи асосий электоратимиз бўлган хусусий мулк эгалари ҳисобига кўпайгани ижобий баҳоланди. «Тадбиркорлар мулоқот форуми» доирасида 14 та амалий семинар ташкил этилиб, уларда тадбиркорлар манфаатига хизмат қиладиган 100 дан ортиқ таклифлар билдирилгани қайд этилди.

Тадбир доирасида халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг амалий тажрибаси ҳам атрофлича ўрганилди. Шаҳарда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасидаги камчиликлар юзасидан депутат Азиз Аҳроровнинг мулоҳазалари эшитилди. «Субоқова» ишлаб чиқариш давлат корхонаси ҳамда «Самарқанд-тола» МЧЖ қошидаги намунали БПТлар фаолияти таҳлил этилди.

— Ҳар икки корхонадаги қуйи ташкилотда партиявий иш ҳақиқатан ҳам намунали йўлга қўйилганлигига амин бўлдик, — дейди O`zLiDeP Каттақўрғон туман кенгаши аппарат раҳбари Яздон Тошонов. — Партия фаолиятига оид паннолар, йиғмажилдлар, зарур адабиётларнинг тартиб билан жойлаштирилгани, умуман, бошланғич партия ташкилоти хоналарининг кенг ва шинамлиги, тадбирларнинг изчиллик билан ташкил этилаётгани эътиборимизни тортди.

Куннинг иккинчи ярмида халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Самарқанд, Булунғур, Ургут ва Пастдарғом туманларида қулай инвестицион муҳитни шакллантириш орқали иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Жомбой, Самарқанд, Тойлоқ ва Пайариқ туманларининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ички йўллари ҳолати, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда тегишли инфратузилмани ривожлантиришга доир ишларнинг қандай бораётгани тўғрисида масъул идоралар вакилларининг ахборотлари тингланди.

**ЯНГИЧА ЁНДАШУВ, ЯНГИЧА ХУЛОСАЛАР**

Қарши туманида ташкил этилган семинарни партия ишига мутлақо янгича ёндашув орқали фикр алмашиш, қолаверса, эришилган натижалар мисолида партиявий фаолиятни янада самарали ташкил этиш бўйича ўзига хос маҳорат мактаби бўлди, дейиш мумкин.

Анжуман иштирокчилари дастлаб Қарши шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ва обонлаштириш ишлари билан танишдилар. Шундан сўнг O`zLiDeP Қарши туман кенгаши партиявий-ташкилий ишларига баҳо бердилар. Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Тоҳир Қурбонов аҳоли ўртасида партия дастурий мақсадларини кенг тарғиб



қилиш, бошланғич ташкилотлар ишини жонлантириш, депутатлик гуруҳи томонидан ўтказилган тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

— Бухоро вилоятида бўлиб ўтган O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва унинг парламентдаги фракцияси томонидан партия фаоллари учун ўтказилган икки кунлик республика амалий семинари материаллари асосида алоҳида дастур ишлаб чиқдик, — дейди O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилором Азизова. — Бунда Қарши туман кенгашининг ғоявий-сиёсий ишлар йўналишидаги тажрибасидан фойдаландик.

Семинар доирасида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури асосида туман кенгаши депутати Баҳриддин Астанов ташкилотчилигида «Бахтимизга омон бўлинг, нуронийлар» деб номланган тадбир ўтказилди. Хонадонларимиз файзи бўлган отахон-онахонларга эҳтиром билдирилиб уларга совға-саломлар улашилди. Пахтазор маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар, ногирон ва кексаларга моддий ёрдам кўрсатилиб, болалар ўртасида катта футбол мусобақаси ташкил этилди. Ўтган сайловларда O'zLiDeP номзодларини қўллаб-қувватлаб овоз берган 105 ёшли отахон Муртазо бобо Мустафоқуловга партия гувоҳномаси тантанали равишда топширилгани йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**ФАОЛЛИК ЖОЙ ТАНЛАМАЙДИ...**

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ташкил қилинган, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман кенгашлари депутатлари, партиянинг маҳаллий кенгашлари раислари, тадбиркорлар иштирок этган семинарда ушбу калом бир неча бор тилга олинди.

— Семинарни ўтказишдан асосий мақсад тажриба алмашишдан ташқари партиянинг жойлардаги қуйи бўғинларида олиб борилаётган ишлар билан ўзаро танишиш, қолаверса, электоратимизнинг асосий қисми бўлган тадбиркорлар ва фермерлар билан ўзаро мулоқотда бўлишдан иборатдир, — деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Бунинг учун Оҳангарон тумани бежиз танланмади. Чунки туман кенгашининг иш фаолияти нафақат вилоят, балки республикамизда ҳам ибратлилардан ҳисобланади. Партиянинг ҳар бир лойиҳасида, масалан, талаба ёшларнинг «Диплом билан — бизнесга», хотин-қизлар фаоллигини ошириш назарда тутилган «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» каби лойиҳаларда доимо фаол қатнашилади. Умуман, туманда партиявий-ташкилий ишлар ўрнак олса арзигуликдир.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Масалан, 2013 йилнинг айни даврида вилоятда 14 мингга яқин партия аъзоси ҳисобда турган бўлса, 2014 йилда 25 минг, бугунги кунда эса қарийиб 32 минг нафарга яқинлашди. Жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари ҳам тобора ортиб бораяпти.

— Ўтган йилларга таққосланганда партиямиз аъзолари сафи кенгайиши билан бирга, уларнинг фаолият қамрови ҳам ортиб бораяпти. Ҳозир вилоятимиздаги ҳар хонадонда партиянинг ҳеч бўлмаса бир аъзоси бор, десам муболаға бўлмайди, — дейди O`zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Равшан Ғозиев. — Уларни бирлаштирган нарса эса партиямиз фаолиятининг изчиллиги, ўз электоратига, аҳолига яқинлигидир.

— Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Оҳангаронда ҳам муҳтарам Президентимиз айтганларидек, биздан кучли ва билимли, доно ва бахтли авлод воягa етаяпти, — дейди партия туман кенгаши раиси Шунқор Умрзоқов. — Агар ҳозир туманимизда партиянинг 2030 нафарга яқин аъзоси бўлса, шунинг 61 фоизи ёки 1240 нафарини ёшлар, 53 фоизи ёки 1074 нафарини аёллар ташкил этади. Мавжуд 1000 нафардан ортиқ тадбиркор ҳамда фермерларнинг аксарият қисми сафдошларимиздир.

Шу куни семинар қатнашчилари «Ангрен эркин иқтисодий ҳудуди»да ташкил этилган «Ангрен-шакар» корхонаси фаолияти билан яқиндан танишишди.

— Дастлаб ишчиларнинг бир қисмини Хоразм шакар заводидан олиб келмоқчи ҳам бўлгандик, — дейди корхона директори Рустам Акбархўжаев. — Бироқ маҳаллий аҳоли, айниқса, ёшларнинг ишни тез ўзлаштиргани эвазига бунга ҳожат қолмади. Уларни кузатиб, дунёда саноқли бўлган шундай ускуналарни ўзимизнинг қишлоқлардан чиққан шўх-шодон ёшлар бошқараётганидан қувонаман.

Семинар иштирокчилари куннинг иккинчи ярмида 200 нафардан ортиқ партия аъзоси ишлаётган «Гули-лола» хусусий корхонасида ҳам бўлишди. БПТ раҳбари Баҳриддин Комилов тадбир қатнашчиларига ташкилот фаолияти ҳақида батафсил ахборот берди. Партиянинг туман кенгаши, депутатлик гуруҳи ушбу қуйи бўғин билан яқин ҳамкорлик қилаётгани, хусусан, турли йиғилишлар ўтказиш, жойларга чиқиб аҳоли, айниқса, ёшлар муаммолари бўйича амалий ёрдам беришаётганини мамнуният билан тилга олди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Виктор Пак, Атхам Назирқулов иштирок этиб, Оҳангарон тумани кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари иши, депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантиришга оид фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

* * *

Бу каби ҳам назарий, ҳам амалий тадбирлар республикамизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтмоқда. Мақсад, юқорида таъкидланганидек, партиявий фаолиятни тубдан жонлантириш, электорат ишончини янада мустаҳкамлаш, O'zLiDeP танлаган йўлнинг истиқболли эканини амалиётда намоён этишдир.

**Мансур АСЛОНОВ,**
**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
**Сайфулла ИКРОМОВ,**
**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
**«XXI asr».**

«XXI ASR» 2015-yil 25-iyun, payshanba, 26 (606)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# 2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

## Шавкат оқсоқол

**Бу йил 75-баҳорни қаршилаган Шавкат Ҳакимжонов ҳамиша эл дарди билан яшайди. Унинг ҳаёт йўли навқирон авлод учун ибрат мактабига айланган, десак хато қилмаймиз**

**Дилора ЭСОНОВА,**
«XXI asr»



«Наврўз» маҳалласида истиқомат қилувчи партиядошимиз Шавкат ота Ҳакимжоновни Сирдарё туманида танимайдиган одам камдан-кам топилади.

— Бунинг сабаблари талайгина. Аввало, отахон ҳавас қилса арзигулик ҳаёт йўлини босиб ўтган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдураҳмон Ботиров. — Ташкилотчи, ҳамиша халқ ташвиши билан яшашга одатланган отахон маҳалла оқсоқоллар кенгаши раиси сифатида кўмакдошимиз ҳамдир.

Меҳнат фаолиятини туман тайёрлов идорасида оддий ишчиликдан бошлаган суҳбатдошимиз Самарқанд кооператив техникумида ўқиб қайтгач, мазкур корхонада инженер-технолог, умумий овқатланиш корхонаси директори лавозимларида ишлади. Сиртдан Тошкент халқ хўжалиги институтини тугаллади, етук иқтисодчи сифатида тайёрлов-савдо ташкилотларида раҳбарлик вазифаларида ишлаб, кўплаб шогирдлар орттирди.

Доимо қайноқ меҳнат қучоғида бўлгани, табиатан тиниб-тинчимаслиги учунми, нафақага чиққанига ўн беш йил бўлганига қарамай, ғайрат-шижоати ёшларникидек. Ўзини ҳамон эл фаровонлиги, юрт маъмурчилиги учун камарбаста ҳисоблайди.

Масалан, ҳудуд аҳолиси бир неча йиллар мобайнида тоза ичимлик суви масаласида қийналиб келаётганди. Оқсоқол мутасадди идоралар раҳбарларига учрашиб, вазиятни тушунтирди. Натижада ҳудудда сув иншооти қурилиши маҳаллий дастурга киритилди. Орадан кўп ўтмай мутахассислар келиб, сув иншооти лойиҳасини тайёрлашди. Шу тариқа 15-20 мингдан зиёд аҳоли ичимлик суви билан таъминланди.

— 220 метр чуқурликдан тоза, ширин ичимлик суви чиққанида одамларнинг қанчалик қувонганини кўрсангиз эди, — дейди Шавкат ота мамнуният билан. — Бу шодликни ҳеч нарса билан таърифлаб бўлмайди...

Сиртдан қараганда, отахоннинг ўзи таъкидлаганидек, у ҳеч нарса қилгани йўқ. Фақат идорама-идора елиб-югурди, холос. Аммо одамларнинг айтишича, «Ҳақиқат», Й.Охунбобев, Мирза Аҳмедов, С.Холматов номли ўндан зиёд кўчаларда истиқомат қилувчи 20 мингга яқин аҳоли хонадонларига тоза ичимлик суви кириб боришини бевосита оқсоқол саъй-ҳаракати самараси, деб билади.

Тумандаги 71-мактаб-интернатга 55 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилишининг ташаббускори ва ташкилотчиси айнан Шавкат ота эканини сирдарёликлар жуда яхши биладилар.

Яна бир эътиборли жиҳат: Шавкат ота хонадони маҳалладаги ибратли оилалардан бири ҳисобланади. Оқсоқол турмуш ўртоғи Дилбар опа билан 5 қиз- ўғилни ўзи каби элга нафи тегадиган инсонлар қилиб тарбиялади. 11 нафар невараси эса ҳамиша атрофида парвона.

— Элга оз бўлса-да нафим тегаётганидан мамнунман, — дейди Шавкат ота суҳбатимиз чоғида. — Яхшилик, одамлар оғирини енгил қилиш энг улуғ савобдир. Президентимизнинг биз кексаларга кўрсатаётган ғамхўрлигига жавобан қўлдан келганча ҳаракат қилаяпмиз. Куч-қувватимиз бор экан, астойдил хизматдамиз. Ўзбекнинг ўзбеклиги ҳам аслида ана шундадир.

## Саксонни қоралаган қаламкаш

**Марғилонликлар меҳнат фахрийси, тиниб-тинчимас инсон Муҳаммаджон ҳожи Маҳмудовни «Янгиликлар жарчиси», дея қадрлайдилар. Чунки у мазкур шаҳар ва қўшни Қўштепа, Тошлоқ, Олтиариқ туманларидаги ишлаб чиқариш корхоналари, таълим муассасалари, фермер хўжаликлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларини велосипедда кезиб, пиёда юриб хушхабар ахтаради. Топганини кўпчиликка етказишга интилади**



Албатта, велосипед минишнинг инсон соғлиги учун фойдаси кўп. Буни 70 ёшдан ошган «велосипедчи»лар орасида қон босими, юрак-қон томир дардларига чалинганлар камлигидан ҳам билса бўлади. Улар кексайган бўлишса-да, ҳаракатчан, келажакдан умидлари зўр. Бундайларнинг оилаларидан осойишталик, рўзғорларидан барака аримайди.

— Шаҳримиз кўчалари бўйлаб велосипедда сайр қилишни яхши кўраман. Ҳар куни камида 12 километр юраман. Тобора чирой очаётган Марғилондаги янги иншоотлар, одамларнинг кўтаринки кайфияти йўл-йўлакай менга илҳом бағишлайди, — дейди Муҳаммаджон ота. — Зиёлилар, ёшлар, тадбиркор ва фермерлар, нуроний отахону онахонларимиз ҳаётидан тайёрлаган мақола, очерк ва тезкор ахборотларим, энг аввало, ўзимга завқ бағишлайди.

Ижодкор изланишлари ҳосиласи бўлган мақолаларни ўқиб, улардаги маълумотларни тўплаш, ёзиш ва таҳририятларга жўнатишга қачон улгурар экан, деб ажабланасан киши. Ана шу вазифаларни уддалаш баробарида жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётган М.Маҳмудов бу йил 77 баҳорни қарши олди. Унинг таржимаи холи қисқа, лекин мазмунли. Фарғона педагогика олийгоҳи (ҳозирги Фарғона давлат университети) филология факультетини битириб, шаҳар ижроия қўмитасида хизмат қилди. Меҳнатсеварлиги ва фидойилигини инобатга олган ҳолда шаҳар раҳбарияти уни аҳолини ишга жойлаштириш бўлими мудири вазифасига тайинлади. Серғайрат йигит ишни саноат корхоналаридаги бандлик ҳолатини ўрганишдан бошлади. Долзарб вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган фуқароларни ишга жалб этиш мақсадида шаҳардаги мавжуд 28 маҳаллада мутахассислар иштирокида фуқаролар билан суҳбатлар ўтказди. Шу тариқа қисқа муддат ичида қўшимча равишда уч мингга яқин киши халқ хўжалигининг турли жабҳаларига ишга жойлаштирилди. Шу муносабат билан «Марғилон шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш бўлими тажрибаси» мавзусида республика семинари ўтказилганлиги ҳам бежиз эмас.

42 йилдан ортиқ меҳнат қилиб, бугун қарилик гаштини сураёгган отахон 5 фарзанд ва 10 нафар набира қуршовида. «Нуроний» жамғармаси Фарғона вилоят бўлими томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да ўтказилган «Кексалик — бекорчилик эмас» кўрик-танловида махсус диплом билам тақдирланди.

Муҳаммаджон Маҳмудов уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларнинг бугунги ҳаёти, ёшларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга доир мақола, лавҳа ва хабарлари билан матбуотда фаол қатнашганлиги учун «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» эсдалик кўкрак нишони билан мукофотланган. У «XXI asr», «Нуроний», «Хабар», «Ишонч» газеталари таҳририятлари билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Саксонни қоралаган қаламкаш халқ депутатлари Марғилон шаҳар кенгаши депутати ҳамдир.

Қани эди, дейман ўзимча, Муҳаммаджон отага ўхшаб ҳаётини яхшиликга бағишлайдиган ва ўзи ҳам яхшиликлар ичра яйраб яшайдиган одамлар кўпаяверса. Зеро, умрини одамлар мушкулини енгил, ҳожатини осон қилишга сарфлаган отахоннинг жойи бугун давраларнинг тўрида. Қўлини фотиҳага очар экан, юртга тинчлик-хотиржамлик, одамларга яхшилик тилайди.

— Биз фахрийларга кўрсатилаётган рағбат ва эътибор учун давлатимиздан миннатдормиз, — дейди отахон. — Шу азиз Ватан тинчлиги ва иқболи учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

Ҳа, ҳар кимга ҳам ана шундай бахт берсин, бахтли кексалик, эъзозли фахрийлик насиб этсин!

**Одилбек ҲАҚБЕРДИЕВ.**

## «Қарияларнинг дуосини олайлик»

**Ўтаётган йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши юртимизда инсон қадри нақадар юксаклигини яна бир карра оламга намоён этди. Бу борадаги Давлат дастурида мамлакатимизда ёши улуғ инсонларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларини изчил давом эттириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгиланган.**

**Мазкур Дастурда касаба уюшмалари кенгашлари олдига ҳам қатор вазифалар қўйилган бўлиб, отахон ва онахонларимизга кўрсатилаётган ижтимоий, тиббий ва маиший хизматларнинг турларини кўпайтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси эълон қилиниб, унинг доирасида 2990 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига 300 минг сўмдан бир марталик пул мукофотлари топширилди. 23 минг нафар ёлғиз кексаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, уй-жойини таъмирлаш, коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ ижтимоий кўмак воситалари режалаштирилган бўлиб, бугунгача 8 минг нафардан ортиқ шу тоифадаги инсонларга жами 615 млн. сўмлик моддий ёрдам берилди.**

**Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилда 21 минг 98 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари соғломлаштириладиган 37 та санаторийда қўшимча қулайликлар яратилди. Бунинг учун қарийб 11 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, «Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлимлари» ташкил этилди. Жамоа шартномалари орқали 29 минг нафар юртдошимиз пенсияга чиқиши ҳамда юбилей саналари муносабати билан уларни рағбатлантириш кўзда тутилган. Бугунгача шундан қарийб 19 минг нафарига 5 миллиард сўмликдан зиёд қимматбаҳо совғалар топширилди.**

**— Бундан ташқари 1000 нафар ёши улуғлар учун мамлакатимиз шаҳарлари ва қадамжолари бўйлаб саёҳатлар ташкил этиш режалаштирилган, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова.**

**— Ҳозиргача 935 нафар отахон ва онахон, уруш ва меҳнат фахрийси учун Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз, Тошкент шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилиб, ушбу мақсадларга 130 млн. 200 минг сўм маблағ йўналтирилди. «Кексаларнинг дуосини олайлик» акцияси доирасида ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож 2 минг нафар юртдошимизга 1 млрд. 500 млн. сўмлик электр-маиший техника жиҳозлари туҳфа қилинади.**

**Мухтасар айтганда, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб, хайрли ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.**

Ўз мухбиримиз.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Акрам Шаҳаровга падари бузруквори
**Акбар ШАҲАРОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## «Тадбиркор аёл» — 24 ёшда

**«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси тадбиркорликка қизиқиши, уқуви бор хотин-қизларни ягона мақсад атрофига бирлаштириш, уларнинг ғоя ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш, тажриба алмашиш, хорижий ҳамкорлар билан яқин алоқа ўрнатишга бевосита кўмаклашувчи нуфузли ташкилотлардан бири саналади**

**Рисолат МАДИЕВА,**
«XXI asr»

1991 йилда фаолият бошлаган мазкур ташкилот аёлларнинг Марказий Осиёдаги дастлабки нодавлат нотижорат уюшмасидир. Айни пайтда 12 минг нафардан зиёд аъзони бирлаштирган ассоциация Халқаро аёллар ассамблеяси, Профессионал аёллар ассоциацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти билан яқин ҳамкорлик ўрнатган.

— 2011 йилда ташкил этилган таълим муассасамизда 26 йўналиш бўйича касб-ҳунар сирлари ўргатилади. Инглиз, француз, немис, корейс ва рус тилларидан малакали мутахассислар сабоқ беришса, ҳунарманд ва усталаримиз ёшларга тикувчилик, тўқувчилик, карвинг санъати, дурадгорлик ҳамда радиотехника сирларини ўргатишади, — дейди «Билим бисёр» таълим муассасаси раҳбари, ассоциациянинг Миробод туман ташкилоти раиси Шаҳноза Сиддиқова. — Бугунга қадар 300 нафардан ортиқ ёшларни иш билан таъминладик. Тикувчилик цехимизда ойига 1000 дан зиёд пар ёстиқ-кўрпалар тикилиб, маҳаллий бозорга чиқарилаяпти. Айни кунда пойтахтдаги меҳмонхоналар, боғчалар билан шартномалар тузаяпмиз.

— 2007 йилда ташкил этилган корхонамиз ассоциация кўмагида экспортчига айланди, — дейди «Барака-Декор» қўшма корхонаси раҳбари Саидбиби Ҳасанова. — Айни пайтда 30 хилдан зиёд косметика маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз. Ўтказилаётган танлов ва кўргазмалар, корпорацион биржа ва ярмаркалар ташқи бозор билан алоқа ўрнатишимизга йўл очаяпти. Келажакда фаолиятимизни янада кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш ниятидамиз.



Мухтасар айтганда, ўтган давр мобайнида «Тадбиркор аёл» мамлакатимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшиб келаётган нуфузли нодавлат нотижорат ташкилотлардан бирига айланди.

## Уюшманинг инновацион ғоялари

**Миллий матбуот марказида «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг пахта тозалаш саноатини инновацион асосда ривожлантириш масаласига бағишланган анжумани бўлиб ўтди.**

**Унда пахта тозалаш корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда модернизациялашга йўналтирилган чора-тадбирлар тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Жумладан, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар, яқинда бўлиб ўтган VIII Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида тармоқ корхоналарининг иштироки ҳамда улар томонидан тузилган шартномалар хусусида сўз юритилди.**

**Уюшманинг инвестициялар бўлими бошлиғи Ренат Ғуломов қайд этганидек, «Ўзпахтасаноат» ўз олдига қўйган мақсадларга мувофиқ илмий, лойиҳавий ва таълим муассасалари томонидан таклиф этилаётган инновацияларни фаол қўллаб-қувватламоқда. Ҳамкорлик самараларидан бири шуки, «Пахтасаноат илмий маркази» АЖнинг охирги истиқболли инновацион ишланмаси «Бешариқ пахта тозалаш» корхонасида жорий этилди. Ушбу янги технология бўйича пахта хом ашёсини қуритиш учун табиий газ (суюлтирилган пропан)дан фойдаланиш кўзда тутилган. Пахта хом ашёсини қуритиш учун зарур бўлган нефть маҳсулотлари ва табиий газ сарфини қисқартириш мақсадида ушбу янги технологияни қўллаш, мақбул деб топилди.**

Мусурмон РЎЗИЕВ.

## Янги хусусий шифохона

**Чортоқ — Наманган вилоятининг тоғли ҳудуди. Шундай бўлса-да, кейинги йилларда туманда ишбилармон ва тадбиркор инсонлар томонидан кўплаб маданий-маиший объектлар бунёд этилмоқда. Яқинда туман марказида тадбиркор қурувчилар — Маликжон Усмонов ва Тоҳиржон Мўминов саъй-ҳаракати билан 5 йўналиш бўйича беморларни даволовчи «SHIFO MADAD» МЧЖ ишга туширилди. «Чортоқ пахта заводи»нинг фойдаланилмаётган маъмурий биноси ўрнида ташкил этилган янги, хусусий шифохона қурилишига 363 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Аҳамиятлиси, 40 ўринли шифохонада 30 та янги иш ўрни яратилди.**

Аҳрoржон МУСУРМОНОВ.

## Битирувчилар бандлигига бирламчи эътибор

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 октябрдаги қарори билан тасдиқланган «2013-2016 йилларда Жиззах вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури» асосида мазкур ҳудудда жорий йилнинг биринчи чорагида 18 та лойиҳа амалга оширилиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга ўсди**

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ**

Табиийки, бу каби изланишлар нафақат вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, балки янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Жорий йилда вилоятдаги 4 та академик лицей ва 75 та касб-ҳунар коллежини 19 мингдан зиёд ёш битирганини ҳисобга олсак, уларни ишга жойлаштиришда тадбиркорлик субъектлари нақадар катта ўрин тутишига яна бир бор амин бўламиз. Ана шундай тадбиркорлик тузилмаларидан бири – тижорат банкидан кредит олиб, хориждан келтирилган технологиялар асосида эркаклар либосларини ишлаб чиқараётган «BAGIRA TEX» масъулияти чекланган жамиятдир. Мазкур корхона «Ташаббус-2015» республика кўрик-танловида фахрли 2- ўринни эгаллади.

— Йилига 2000 донадан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда, — дейди корхона раҳбари Ботир Каримов. — Мақсадимиз ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириб, корхонанинг экспорт салоҳиятини оширишдан иборат.

Қувонарлиси, айни пайтда жамоада йигирма нафардан ортиқ тикувчи қиз, жумладан, 12 нафар коллеж битирувчиси фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 7 нафар талаба ишлаб чиқариш амалиётини ўтаяпти.

Жиззах шаҳридаги «JIZZAXKENTEX» МЧЖ қошидаги ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона эса ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилишни бошлаб юборди. Бу ерда 208 нафар ишчи бўлса, уларнинг 102 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчилари ҳисобланади. Диққатга сазовор томони, касб-ҳунар коллежлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, 50 нафарга яқин талаба ишлаб чиқариш амалиётини шу ерда ўтаяпти.

**ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!**

**АҚЛЛИ БЎЛИШНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ ЭМАС. ЭНГ АСОСИЙСИ, АҚЛНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАЙ БИЛИШДИР.**

Рене ДЕКАРТ.

# ҚУТЛОВ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Импорт салмоғи тобора камаймоқда

**Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, ички бозорни муҳофаза қилишга оид бир қатор қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунларнинг бош мақсади пировардида аҳоли саломатлигини ҳуқуқий ҳимоялашдан иборатдир**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»

— Дунё бозорида истеъмол товарларига нисбатан рақобат кучли бўлган, ҳатто энг йирик компаниялар ҳам инқирозни бошдан кечираётган бир пайтда мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташқи бозорда ўз ўрнини топиб, кўплаб давлатларга экспорт қилинаётгани эътиборга лойиқдир, — дейди халқаро эксперт, Германия Федерал илмий-техника институти ходими Манфред Кендлер. — Бунинг асл сабабларидан бири сифатида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати жаҳон стандарти талабларига тўла мос келишини таъкидлаган бўлар эдим. Корхоналарда халқаро ISO 9001 «Сифатни бошқариш тизими» жорий этилаётгани эса маҳсулотларингиз нуфузини янада оширмоқда. Табиийки, бунда сифат учун масъул бўлган Синов ва сертификатлаштириш идораларининг ҳам ҳиссаси бор.

Дарҳақиқат, мамлакатимизга четдан келтирилаётган ёки маҳаллий тадбиркорларимиз томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар инсон саломатлиги учун безиён бўлишини таъминлаш Республика синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ва унинг жойлардаги ҳудудий марказлари зиммасига катта масъулият юклайди. «Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси мисолида тўхталадиган бўлсак, марказ қошида истеъмолчилар, тадбиркорлар ҳамда товар ишлаб чиқарувчиларга янада енгиллик яратиш мақсадида маҳсулотлар синови ўтказиладиган лабораториялар ташкил этилган бўлиб, улар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Қорақалпоғистон Республикасида бугун 10 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлса, ялпи ички маҳсулот салмоғида уларнинг улуши 50 фоиздан зиёддир, — дейди марказ директори Чингиз Худойберганов. — Мавжуд қўшма корхоналар ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар эвазига импорт товарлар салмоғи йил сайин камайиб бораяпти. Бугунги харидор бирор маҳсулотни сотиб олаётганида аввалгидек, унинг қайси давлатдан келтирилгани тўғрисида сотувчига савол бермаяпти. Аксинча, «Бунингиз Тошкентникими, Самарқандники ёки Андижонда ишлаб чиқарилганми» деб сўраяпти. Демак, аҳоли энди ўзимизникини афзал биляпти. Бундан қувонасан киши. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳот барча соҳада ўз самараларини бераётир.

Марказимиз фаолиятини ўтган йилларга солиштирганда маҳсулотлар учун мувофиқлик сертификатлари олиш учун мурожаатлар сони ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Масалан, ўтган йил давомида тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга 2598 мувофиқлик сертификати берилган. Бироқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг барчаси ҳам стандарт талабига жавоб беради, дея олмаймиз. Жумладан, 2014 йилда 14 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотлар истеъмолга яроқсиз деб топилди ва уларга мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилмади. Жорий йилнинг ўтган даврида эса тадбиркорлик субъектларидан 800 га яқин мурожаат келиб тушди. Шундан 988 тасига мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди. Марказимиз мутахассислари томонидан ўтказилган лаборатория синови даврида 284 минг сўмлик турли хилдаги маҳсулотлар истеъмолга яроқсиз топилилди.

Бундан ташқари, сертификатлаштириш идораси томонидан узлуксиз ишлаб чиқариш учун берилган мувофиқлик сертификатлари устидан ҳам ўрнатилган тартибга асосан инспекция назорати ўтказиб турилади. Масалан, ўтган йил давомида 65 та ишлаб чиқариш корхонасида инспекцион назорат ўтказилган бўлса, 46 та мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тасдиқланган ҳолда, 8 та корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш вақтинча тўхтатилди. 11 та корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот талабга жавоб бермагани учун мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати бекор қилинди. Тадбиркорларимиз ўртасида соғлом рақобатнинг юзага келиши туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳам яхшиланиб бораяпти. Буни бекор қилинаётган мувофиқлик сертификатларининг сони ўтган йилларга нисбатан камайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Шу билан бирга марказнинг метрологик хизматлар кўрсатиш бўлими томонидан ҳудуддаги ўлчаш воситаларини қиёслаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Метрология лабораторияларини замонавийлаштириш бўйича «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган режа-дастурга мувофиқ марказимиз ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги жамғармаси ҳисобидан бир қатор ускуналар, жумладан, сув ўлчов воситаларини қиёслаш учун намунавий «КАСКАД-2П» кўчма қиёслаш ускунаси ва RTC-156B маркали ҳарорат калибратори харид қилинди. Натижада 2014 йили 6 хилдаги ўлчаш воситаларини қиёслаш аккредитация доираси кенгайтирилди. 2015 йилда махсус жамғарма ҳисобидан замонавий, кўп функцияли эталонли мультиметр ва электр сигналли калибратор ускунасини харид қилиш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида табиий газ, сув ва электр ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказиш бўйича «Шимолгаз таъминот» унитар корхонаси ва «Қорақалпоғистон электр тармоқлари» АЖ билан сифат менежменти тизимларини жорий этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳукумат томонидан 2014 йил 23 декабрда тасдиқланган «Қорақалпоғистон Республикасидаги ишлаб чиқарувчи корхоналарда 2015-2017 йилларда халқаро стандартлар талаблари асосида сифат тизимини босқичма-босқич жорий этиш жадвали»га кўра, 62 та корхонада ISO 9001 халқаро стандарти талаблари асосида сифат менежменти тизимини жорий этиш белгиланган. Ҳозирда 32 та корхонада шунга оид ишлар олиб борилмоқда. «Емберген Алламбергенов», «Даниярбий» ва «Дўстлик» хусусий фирмалари, «Бўстан тальк», «Беруний тальк», «Нукус Реммаш», «Нукус электрон жиҳозлари», «Qaraqalpaq Qishloq Qurilish Servis» ва «Uy Jay Qurilish» МЧЖларида сифатни бошқариш тизими сертификатлаштирилди. Сифатни бошқариш тизимини жорий этган корхоналар эса солиқ ҳамда бож тўловлари бўйича имтиёзлардан фойдаланишмоқда.

## АНДИЖОН ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ҲУДУДИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*ислоҳотлар манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган, шарафли ва машаққатли меҳнати орқали юртдошларимизни янги марралар сари руҳлантираётган соҳа вакилларини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этади. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ижодий баркамоллик тилаймиз!*

27 ИЮНЬ



## «ЯНГИБОЗОР ПАХТАТОЗАЛАШ» акциядорлик жамияти жамоаси

*Истиқлол солномасини битаётган фидойи журналистлар, ноширлар ва матбаачиларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан муборакбод этади. Машаққатли ва шарафли ишингизда сизларга омад ҳамиша ёр бўлсин!*

27 июнь

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



ЭЪЛОН


## «MAXIMUM»ДА МАКСИМУМ ҚУЛАЙЛИК

**Муҳтарам тадбиркор ва ишбилармонлар, шаҳримизнинг азиз меҳмонлари, хонимлар ва жаноблар!**



*Сиз «Maximum» меҳмонхонасининг барча замонавий қулайликларга эга бўлган бир ва икки ўринли стандарт, люкс, ярим люкс хоналарида мириқиб дам олишингиз, ўзига хос дизайн асосида безатилган 80 ўринли ресторанда куннинг исталган пайтида овқатланишингиз, 60 ўринли конференция залида турли учрашув ва тадбирлар уюштириш учун буюртма беришингиз, сауна, бассейн, бильярд ва тренажер залларида шуғулланишингиз, бепул Интернет (Wi-Fi зона) тармоғидан фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари, туғилган кун, юбилей ва бошқа тантанали маросимларни ўтказишда 40 ўринли бежирим банкет зали хизматингизга мунтазир.*

**Манзил: Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 9-уй. Тел: 0- (436) 225- 67-74; 0- (436) 225- 67- 75; (99895) 603- 00- 77.**

**WWW. MAXIMUM-HOTEL.UZ** **Хизматлар лицензияланган.**


## «ЭЛЛИККАЛЪАШАРОБСАВДО» МЧЖ жамоаси

*Бугунги кунда ўзини кучли ва таъсирчан восита — ахборот хизматини риволантиришдек олижаноб ишга бағишлаган журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси вакилларини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий қутлайди.*



# ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

**Ҳозирги кунда мамлакатимиз молия бозорида шаклланган соғлом рақобат муҳити инновацион жараёнларни фаоллаштириш, мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида ўрин тутади. Бу борада «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, замонавий хизматлар кўламини кенгайтиришга интилаётир**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»

Банк жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўз мавқеини янада мустаҳкамлади. Маълумки, капиталнинг ўсиши барқарорлилик ва мижозлар маблағининг ишончли сақланиши кафолатидир. Бинобарин, банк жамоаси томонидан бир қатор зарурий чоралар амалга оширилиши натижасида ялпи сармоя миқдорининг доимий ўсишига эришилмоқда. 2015 йил 1 июнь ҳолатига банкнинг умумий капитали 771,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, жорий йил бошига нисбатан 44,1 млрд. сўмга кўпайди.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг кредит қўйилмалари ҳам сезиларли даражада ўсиши кузатилмоқда ва улар асосан корхоналарни техник-технологик қайта жиҳозлаш ва молиявий соғломлаштириш учун йўналтирилади. 2015 йил 1 июнь ҳолатига кўра, банк кредит қўйилмалари 6 301 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 1 023,7 млрд. сўм ёки 19 фоизга кўп, демакдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқариш суръати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам ушбу жараёндан четда қолаётгани йўқ. 2015 йилнинг ўтган даври мобайнида тармоқ ривожи учун барча молиялаш манбаалари ҳисобидан 349085,2 млн. сўм сармоя йўналтирилганлиги фикримиз далили бўла олади. Қолаверса, кичик бизнес соҳасида банд бўлган мулкдорларга 36248,4 млн. сўм миқдорида микрокредит ажратилди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бозор шароитида алоҳида аҳамият касб этади. «Ўзсаноатқурилишбанк» шундан келиб чиқиб, аёллар тадбиркорлигини ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпти. Жорий йилнинг 1 июлига қадар соҳага 24738,8 млн. сўм кредит маблағи йўналтирилгани фикримизга яққол мисолдир.

Истиқлол шарофати билан оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначилик учун кенг йўл очилди. Буни ҳар бир туман ва қишлоқ мисолида кўриш мумкин. «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан ушбу мақсадлар учун 5139 млн. сўм сармоя ажратилди. Қолаверса, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларига йўналтирилган кредитлар салмоғи ҳам ўтган йилнинг айни даврига нисбатан анча ўсганлиги кузатилмоқда.

Ёшлар келажагимиз, ҳаётимизнинг муносиб давомчиларидир. Шундай экан, улар ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш муҳим бурчимиз саналади. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга тобора катта эътибор қаратилаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Биргина «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан жорий йилнинг ҳозирги давригача уларга 6735,8 млн. сўм маблағ ажратилди. Бунинг натижасида ҳудудларда кўплаб янги иш ўрни яратилди.

Банк капиталининг ўсиши иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик бизнес ва иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга доир ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Бунинг натижасида республика иқтисодиётининг ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлиги ошиб, мижозлар сафи кенгайиб бораяпти.

**Азат АБДУЛЛАЕВ,**
**«Urganch Maxsus Trans Kompleks» МЧЖ раҳбари:**

— Бугунги кунда республикамизда кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилаётганлиги сифатли ва арзон қурилиш материлларига бўлган талаб-эҳтиёжни кучайтирмоқда.

2014 йилда Хоразм вилоятидаги қурилиш корхоналари ва аҳоли кенг қатламини металл эшик-деразалар билан таъминлаш мақсадида Хитойда ишлаб чиқарилган ускуна ва дастгоҳларни харид қилмоқчи бўлдик. Шу мақсадда «Ўзсаноатқурилишбанк» минтақавий филиалига мурожаат қилдик.

Тақдим этган бизнес-режамизга асосан банк томонидан ўз муддатида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. 130,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига замонавий ускуна ва дастгоҳлар харид қилиб, қўшимча тўртта янги иш ўрни ташкил этишга эришдик.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бугун мамлакатимиз иқтисодиёти таянчи, халқимиз фаровонлигининг муҳим кафолатига айланди. Ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда мазкур соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда.

Келажакда металлдан сифатли эшик ва деразалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига соф фойдани ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар билан бозорда ўз ўрнимизни мустаҳкамлаш ва янги иш ўринлари яратишни ният қилганмиз.



**Рустам БАФОЕВ,**
**Бухоро шаҳридаги «Azrus Textile» МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси раҳбари:**

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай бизнес муҳитини яратиш, иқтисодиётга давлатнинг аралашувини камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофазалашга қаратилган ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда.

Корхонамиз 2012 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Асосан гилам ва палос маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз. Кўпдан бери «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бухоро минтақавий филиали билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

2013 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадида Жанубий Корея ҳамда Хитойдан 1447700,0 АҚШ доллари қийматидаги ускуналарни сотиб олиш учун банк томонидан беш йил муддатга кредит ажратилди. Бугунги кунда дастгоҳларнинг барчаси келтириб ўрнатилган. Натижада ишлаб чиқариш унумдорлиги анча ортди. Шу билан бирга 18 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 363,9 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришдик.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг амалий ёрдами ютуқларимиз омили бўлаётир. Мазкур банк келгусида ҳам барча лойиҳаларимизни молиявий қўллаб-қувватлашига ишончимиз комил.

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси жамоаси**

***мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан ютуқларимиз ва бугунги фаровон ҳаётимиз кўзгуси бўлмиш тўртинчи ҳокимият вакилларини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин дилдан қутлайди. Ризқингиз бутун, ижодий салоҳиятингиз бардавом бўлсин! Қаламингиз сиёҳи эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилаверсин!***



**«ARDS LUX»**
**масъулияти чекланган жамияти жамоаси**




*Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади. Хонадонингиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик ҳеч қачон аримасин, азизлар!*



**Манзил:** Самарқанд шаҳар, Отаходжаев кўчаси, 61-уй.
Тел: (+99890) 224-24-45, (+99893) 351-63-66. факс (+99866) 237-20-42
E-mail: ards-lux@mail.ru web-site: ards-lux.uz

# ҚУТЛОВ

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

## «ТРАСТБАНК»

### ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК-БИРЖА БАНКИ ЖАМОАСИ



**матбуот фидойилари, оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан қутлайди. Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, турмушингизга файзу барака, ижодий ишларингизга улкан парвозлар тилаймиз. Байрамингиз муборак, азизлар!**



## AGROBANK

27 июнь – "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" касб байрамингиз билан Сиз қалам аҳлини самимий муборакбод этамиз. Қалбингиздаги барча эзгу ниятларингиз амалга ошишини, ижодий ишларингизда ҳамиша муваффақият, оилавий ҳаётингизда эса бахт-саодат ёр бўлишини тилаймиз.

Маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни уяли телефон орқали амалга оширишда «Агробанк» ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган «Мобил савдо» тизими жуда қулайдир. Содда ва тезкор тўлов хизматидан фойдаланинг!

CLICK
**mobilsavdo**
sodda va tez to'lov
AGROBANK

*Мобил савдо стикери мавжуд бўлган жойларда тўловларни амалга оширишингиз мумкин.*

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган.

## Qishloq Qurilish Bank



***27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан юртимизнинг барча журналистларини самимий муборакбод этади.***

***Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака, тинчлик-хотиржамлик, ишларингизда омад тилаган ҳолда, қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:***

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:**
**«Кексаларга таъзим»** — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади
**«Кексаларни қадрлаш»** – омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади
**«Жасорат»** — омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади
**«Матонат»** — омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади
**«Самарали»** — омонатга маблағлар 2 ойдан 6 ойгача қабул қилинади

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

**«Имконият»** — омонатга маблағлар 1 йилдан 3 йилгача қабул қилинади

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда улар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:**
**«Percent»** — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади

**«Profit»** — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади

Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади.
Фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни харид қилувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

**«Мадад»** — маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади
**«Хонадон»** — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади
**«Қурилишга бошланғич бадал»** — маблағлар 1 йил муддатга қабул қилинади

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатингиз:**
- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✓ миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz

***ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК — ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!***

Хизматлар лицензияланган.

## ЗАЗ FORZA

Автомобили для жизни!




SARDOR AVTO INVEST

**Автосалон в Ташкенте**
**Тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99**
**ул. Усмана Насыра, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)**

ЗАЗ
www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

## ROYAL STEEL

### ВСЕ ДЛЯ ВАШЕЙ КРЫШИ



Металлочерепица и профнастил



Аксессуары



Для производства профнастила и металлочерепицы используется только качественное сырьё известных фирм **Южной Кореи** и России. Нашим Клиентам мы предлагаем гибкую систему скидок и высокую скорость обслуживания. Для постоянных клиентов созданы специальные условия.

**Производство в Ташкенте**
**Тел.: (+99871) 272-17-02, (+99897) 703-72-72**
**Адрес: Учтепа-26, ул. Максуда Шейхзады, дом 1 (ориентир — завод «АКФА»)**

ROYAL STEEL
www.royalsteel.uz
Товар сертифицирован.

# ҚУТЛОВ


ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

## «Асака» банк

***мамлакатимизнинг барча журналистлари, матбаачилари ва нашриёт ходимларини касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этади! Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз ва қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этамиз:***

| миллий валютада: | хорижий валютада: |
|---|---|
| **«ҚАДРИЯТ»** *Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади* | **«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида)** *Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади* |
| **«БАҲОР»** *Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади* | **«МАДАД» (АҚШ долларида)** *Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади* |
| **«ФАРОВОН ТУРМУШ»** *Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади* | **«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)** *Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади* |
| **«ТЕЖАМКОР»** *Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади* | |

Шу билан бирга «Асака» банк қулай шартларда миллий ва хорижий валюталардаги 40 дан зиёд омонат турларини таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 225-44-03 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сергели филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-75-40 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 224-00-16 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!



**«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.



## Qishloq Qurilish Bank

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» «Commerzbank AG» (Германия), Landesbank Berlin (Германия), Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА), Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси каби нуфузли молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳақида хабар қилади. Молиялаштиришнинг асосий шартлари:**

| Лойиҳалар | Замонавий ускуналарни сотиб олиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш |
|---|---|
| **Қарздор** | Юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари |
| Молиялаштириш мақсади | **«Commerzbank AG» кредит линияси доирасида:**<br>• Европа, Япония, Жанубий Корея, Канада ҳамда АҚШ мамлакатларида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни сотиб олиш учун маблағлар ажратилади;<br>• мижоз импорт шартномасининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз маблағи билан иштирок этиши лозим. Қолган 85 фоизи кредит линияси ҳисобидан молиялаштирилади;<br>**Landesbank Berlin кредит линияси доирасида:**<br>• Германияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни сотиб олиш учун маблағлар ажратилади;<br>• мижоз импорт шартномасининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз маблағи билан иштирок этиши лозим. Қолган 85 фоизи кредит линияси ҳисобидан молиялаштирилади;<br>**ХТА кредит линияси доирасидаги кредитлар (ёки лизинг хизматлари) Андижон, Бухоро, Жиззах, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида рўйхатдан ўтган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашга ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун берилади:**<br>• интенсив боғ;<br>• сабзавотчилик ва узумчиликка илғор технологияларни жалб этиш;<br>• қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш;<br>• қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва узоқ муддатга сақлаш ускуналарини сотиб олиш;<br>• тежамкор энергияли иссиқхоналар ташкил этиш;<br><br>**Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси доирасида:**<br>«Ўзбекситон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасидаги кредитлар (ёки лизинг хизматлари) Сурхондарё вилоятида рўйхатдан ўтган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашга ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектларга берилади. |

**Маълумот учун телефонлар:**
**(+998 71) 150-93 -39, 150-76-41,**
**150-76-42, 150-76-39.**

***Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!***




## «ШЎРТАНГАЗКИМЁ»

## мажмуаси жамоаси

***Ижодий изланиш ҳамда ташаббускорлик хислатларини ўзида мужассамлаштирган барча журналистлар, телерадиоканаллар, нашриёт ҳамда матбаа соҳаси ходимларини касб байрамлари билан самимий қутлайди. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз.***



27 ИЮНЬ


XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 3264 Тираж: 14323

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**

**©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.**

**Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Н.ТОШЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.